

5-SHO'BA

MINTAQAVIY RIVOJLANISH BO'YICHA FANLARARO TADQIQOTLAR: SOTSIOLOGIYA, HUDUDIY BRENDLAR, YANGI IQTISODIY GEOGRAFIYA

ИНСОН КАПИТАЛИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНING НАЗАРИЙ-ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

*М.Т.Бутабоев, и.ф.д., проф.
С.И.Қодиров, таянч докторант
Фарғона политехника институти*

Ишлаб чиқариш жараёнида фақатгина ишлаб чиқаришнинг моддий-ашёвий омилларигина эмас, шахсий омили, яъни инсон капитали ҳам такрор ишлаб чиқарилади. Инсон капиталини такрор ҳосил қилиш ёки уни такрор ишлаб чиқариш деганда энг аввало ишчининг меҳнат қобилиятини қайта тиклаши, яъни унинг овқатланиши, кийиниши, дам олиши, маданий ҳордиқ чиқариши, касб маҳоратини ошириши, компьютер саводхонлиги ва инновацион жараёнларга компетентлиги, ахборот саводхонлигини такрор ишлаб чиқариши тушунилади. Бу эса инсон учун оила, уй-жой, дам олиш ва доимий малака ошириб бориши билан изоҳланади. Инсон капиталини сифати унинг таркибининг замон талаблари жиҳатидан инновацион ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мувофиқлиги, компетентлигида номоён бўлади ва уни сифатини ошириш муҳимдир .

Инсон капитали иқтисодий ўсишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Айнан мавжуд инсон капитали шу мамлакатнинг глобал дунё таркибидаги тутган ўрнини белгилайди. Шу нуқтаи назаридан, инсон капитали сифати, унинг миқдорий ва янги хусусиятларини рақамлаштириш жараёнлари таъсири остида ўзгариб бораётган ижтимоий-иқтисодий маконга қандай мос келишини аниқ англаш зарурдир.

Одатда инсон капитали концепциясини мустақил илмий йўналиш сифатида Чикаго Университетининг Америка илмий мактаби томонидан ўтган асрнинг 50-60 йилларда шакллантирилган деб ҳисобланади. Инсон капитали классик назариясининг асосчилари – Нобел мукофати совриндорлари Г.Бекер ва Т.Шулцлар ҳисобланади.

Т.Шулц ўзининг илмий изланишларида ишлаб чиқариш салоҳияти капиталнинг бошқа шакллари рентабеллигидан устун бўлган активлар асосида инсон капиталини аниқлади. Ушбу актив инсон ҳаёти давомида қўшимча инвестициялар ёрдамида мустаҳкамланиши мумкин бўлган қимматли фазилатлар, кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёнида шаклланади.

Г.Бекер инсон капиталини инсоннинг билим, кўникма ва мотивациясининг бутун бирлик деб тушунтирган. Шундай қилиб, ҳар иккала олим ҳам инсон капитали меҳнат бозорида сотилиши мумкин бўлган товар (нарса) дир деб

хулоса беришган. Ушбу турдаги капитални тўплаш катта миқдордаги харажатлар асосида мураккаб инвестиция жараёни билан бирга келади.

Т.Шулцнинг асарларида бўлгани каби, Г.Бекернинг асарларида ҳам инсон капиталига қўйилган сармоялар рентабеллиги, масалан, жисмоний капиталга қўйилган сармоядан анча юқори эканлиги таъкидланган.

Маҳсулдорлик нуқтаи-назаридан америкалик иқтисодчи Л. Туроу инсон капиталини одамларнинг товар ва хизматларни ишлаб чиқариш қобилияти сифатида белгилайди, бу нафақат шахснинг алоҳида ишлаб чиқариш сармоёси, балки бошқа сармояларнинг маҳсулдорлигига ҳам таъсир қилади деб таъкидлаган.

П. Ромер худди шундай позицияни қўллаб қувватлаб, инсон капиталини иқтисодий самарадорликнинг асосий манбаси, маҳсулдорлик омили деб ҳисоблайди. У янги билимларнинг манбаи инсон капитали эканлигини таърифлаган.

Э. Долан инсон капиталини инсоннинг машғулотлар жараёнида ва амалий тажриба орқали олинган ақлий қобилиятлари мажмуи деб тушунтиради.

Р. Кроуфорд инсон капитали назариясини унинг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятларини аниқлаш нуқтаи назаридан кенгайтди.

Хорижий муаллифларнинг кейинги илмий тадқиқотларида инсон капитали ҳам баъзи бир инсоний фазилатларнинг устуворлиги ва тўпланиши нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Т. Гараван ўз тадқиқотларида инсон капитали билим, кўникма, таълим ва қобилият билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатиб берди.

П. Растогги инсон капиталини билим, компетенция, муносабат ва инсон хулқ-атвори билан боғлаб ўрганган. Р. Франк инсон капиталини маълум бир ходимнинг ишлаб чиқарган маҳсулоти қийматини белгилайдиган омиллар сифатида таълим, тажриба, ақл, урф-одатлар, ташаббуслар ва бошқалар билан тушунтириб берган.

Рус олимлар орасида ушбу соҳадаги дастлабки тадқиқотлар М.М. Крицкий томонидан олиб борилган. Асосий назария қоидалардан бири бу инсон капиталини маҳсулот (меҳнат)дан ажратишдир. Асосий капитал сингари, инсон капитали ҳам ривожланиши мумкин, амортизация қилинади ва қопланади ҳамда шу билан узоқ муддатли капитал манбаи вазифасини бажаради.

Р.И. Капелюшников инсон капиталини “инсонда мужассам бўлган қобилият, билим, кўникма ва мотивлар захираси” деб тушунтиради. Шу билан бирга, жисмоний ёки молиявий капиталда бўлган каби, унинг шаклланиши жараёнида маблағлар келажакда қўшимча даромад олиш мақсадида жорий истеъмолдан четлаштирилди.

Б.М. Генкин инсон капиталини меҳнат унумдорлигини белгилайдиган, даромад манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган фазилатлар тўплами сифатида кўриб чиқади. Муаллиф соғлиқни сақлаш, таълим, касбий маҳорат ва ҳаракатчанлик каби фазилатларни назарда тутди.

Шунга ўхшаш назарияни Л.И. Абалкин ҳам бериб ўтган. Унинг илмий изланишларида инсон капитали туғма қобилиятлар, умумий ва махсус таълим, ортирилган касбий тажриба, ижодий салоҳият, ахлоқий, психологик ва

жисмоний саломатлик ҳамда даромад олиш учун қўшимча имкониятлар яратадиган фаолият мотивлари йиғиндиси сифатида талқин этилади.

С.В Якимчук инсон капитали мазмунини очиб бериб, буни нафақат инсон томонидан тўпланган соғломлаштириш таълим маблағлари билан, балки бевосита касбий маҳоратнинг ўсишига ва натижада меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам берадиган шахсий истеъмол жараёни билан таққослайди.

П.М. Нуреев ушбу тоифани икки жиҳатини ўрганиб чиқди: у инсон капиталини захира ва даромад оқими сифатида таърифлади. Биринчи ҳолда, инсон капитали – бу инсоннинг меҳнат унумдорлигини оширадиган ва даромад миқдорига таъсир қиладиган соғлиги, қобилиятлари, мотивацияси, кўникмалари ва билимлари захираси деб тушунтиради. Иккинчидан, инсон капиталига сармоя киритиш даромадларнинг юқори оқимини таъминловчи муҳим бойликдир деб баҳо беради.

Инсон капиталидан самарали фойдаланиш инновацион фаолиятни фаоллаштиради, инновацион ривожланишга ҳисса қўшади.

Шу билан бирга, инсон капиталидан фойдаланиш ва уни шакллантириш масаласи очик қолмоқда. Инсон капитали у томонидан шаклланадиган аниқ бир шахсни ажратиб бўлмайди. Шу билан бирга, ақлий ва жисмоний меҳнат маҳсулотлари шаклида мужассам бўлган ушбу фойдаланиш натижалари ажратилиши ва бегоналаштирилиши мумкин. Бинобарин, инсон капиталини шакллантириш инсон ҳаётининг босқичлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ёш авлодга таълим ва тарбия бериш соҳасида амалга оширилади. Инсон капиталини кўпайтириш, бойитиш ва тўплаш касбий ривожланиши меҳнат фаолияти даврида рўй беради.

Инсон капиталини шакллантириш, соғликни сақлаш, таълим, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга инвестициялар киритиш орқали амалга оширилади. Баъзи тадқиқотларда таъкидланишича, инсон капиталини шакллантириш бу икки босқични ўз ичига олган узоқ муддатли жараён ҳисобланади: асосий (жами) капитални шакллантириш ва ихтисослашган компетенцияларга эга бўлиш орқали касб-ҳунар таълими асосида аниқ капитални шакллантиришдир. Масалан, Siemens компанияси Германиянинг Амберге заводида қўл меҳнатида ишлаб чиқаришнинг бошланишида ва тугашида фойдаланади, ходимлар янги технологияларни ўзлаштира олмаганлиги сабабли қолган даврда роботлардан фойдаланилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, инсон капиталининг мураккаб тузилишига қарамай, уни шакллантириш хусусиятлари илмий концепция эволюцияси давомида ўз таркибида мавжуд бўлган таълим компонентининг аҳамиятини белгилайди. Айнан билим, кўникма ва тажрибалар инсон капиталининг асосини белгилайди, унинг ташувчисининг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини оширади ва даромад даражасини белгилайди. Ушбу таркибий қисмлар бевосита таълим даврида шаклланади.

Дунё тажрибаси ва амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, айнан ишчи кучига инвестициялар киритишни устивор вазифа сифатида танлаган давлатлар юксак

тараққийётга эришмоқда. Чунки, ривожланган давлатларда таълимнинг тўлиқ циклига сармоялар киритишга катта эътибор берадилар.

1-жадвал

Таълимга қилинган инвестициялар самарадорлиги (2022 йил)

| Давлатлар | Таълимга сарфланган сармоялар (минг доллар) | Йиллар давомида бир ходим яратган қўшимча қийматнинг миқдори (млн. доллар) |
|---------------|---|--|
| АҚШ | 260 | 3,6 |
| Жанубий Корея | 130 | 2,5 |
| Сингапур | 100 | 2 |
| Ўзбекистон | 20 | 0,08 |

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринадики, АҚШ ва Жанубий Кореяда бир инсон капиталининг мутахассис бўлиб шаклланишига кетган харажатлар ўзини 13-18 карра оқлаганини, Сингапурда эса 20 маротаба оқлаганини эътироф этиш мумкин. Ўзбекистонда эса сарфланган сармояларини келтирган фойдаси атиги 4 баробарни ташкил этмоқда. Шу билан биргаликда 2023-2024 йилларда, мутахассислар башорати бўйича ҳар бир ходимни шакллантиришга сарфланадиган инвестициялар 30-40 фоизгача ошади. Яъни, таълим ислоҳ қилинади, таълим сифати барқарорлашади ва таълим муассасаларига янги пед технологиялар, янги мутахассислар кириб келади, ўқув жараёнларида электрон платформалардан фойдаланилади, ҳамда олдин бизга маълум бўлмаган “ЭйЛевл” таълим тизими жорий қилинади.

Шундай қилиб, ушбу мақолада инсон капитали концепциясининг асосий назарий қоидалари кўриб чиқилди. Шу билан бирга, замонавий тенденциялар шароитида улар сезиларли қўшилиш ва кенгайтиришга муҳтож эканлиги аниқланди.

Рақамли иқтисодиёт шароитида инсон капиталини шаклланишининг назарий жиҳатлари ва ривожлантириш омиллари ўрганишнинг долзарблиги шундан иборатки, рақамли дунёда юқори билимга эга бўлган ходимлар корхона фаолиятида жуда ҳам юқори ўринда туради. Уларнинг билимлари, қобилиятлари, компьютер саводхонлиги, касбий компонентлиги, ахлоқий маданияти келажакни белгилаб берувчи омиллар ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, илмий изланувчилар олдида замонавий инсон капиталини ёритилмаган қирраларини очиб бериш учун жуда ҳам катта долзарб масалалар турибди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Зеленов А.В. *Управление развитием человеческого капитала в цифровой экономике.* Курск. 2020 г.с 7-13.

Смирнов В.Т. *Человеческий капитал: содержание и видк, оценка и стимулирование* Орел. Г.Т.У 2005 г. 510-515.

//Экономика и бизнес: теория и практика. – 2021. – №. 10-1. – С. 101-105.

Nabiyevna T. O. *Economic potential of enterprises and its essence //Academicia Globe: Inderscience Research. –2021. – Т. 2. – №. 6. – С. 49-53.*

Борщева Н. Л. *Развитие методологии управления человеческим капиталом в инновационной экономике. Диссертация. МГУ 2016 г.-330 с.*

Баженова Б.С. *Непрерывное образование в условиях трансформации экономической системы. Москва. 2020 г. 63-73 с.*

Критский М.М. Человеческий капитал. Санк-Петербургский Гос. Университет. 2021 г. 67-69 с.

Kodirov, S. (2020). Some issues of digitalization in the industrial sector of the economy. ISJ Theoretical & Applied Science, 12(92), 377-384.

Kodirov, S. (2021). Issues of business cooperation in the national economy of Uzbekistan. Экономика и социум, (7 (86)), 79-88.

ЭТНИЧЕСКОЕ И СОЦИАЛЬНОЕ В ПОНИМАНИИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В КОНЦЕПЦИИ С.М. ШИРОКОГОРОВА

Л.А.Лебединцева, д.с.н, профессор

*Ташкентского государственного экономического университета;
Ассоциированный сотрудник, Социологический институт РАН – филиал
ФНИСЦ РАН*

П. П.Дерюгин, д.с.н, профессор

*Севастопольский государственный университет;
Ассоциированный сотрудник, Социологический институт РАН – филиал
ФНИСЦ РАН,*

Лю Тяньси, Аспирант

Санкт-Петербургский государственный университет

Сергей Михайлович Широкогоров крупный ученый-этнограф первой половины XX столетия, научные позиции которого, несомненно, остаются актуальными и перспективными для анализа новой геосоциальной ситуации. Работы С.М. Широкогорова по мнению современников оказывали и продолжают оказывать существенное воздействие на формирование западноевропейской этносоциологии. В частности, труды автора изучаются, начиная с 20-х гг. прошлого столетия в берлинской этносоциологической школе. Выпускники школы признают значимое влияние идей С.М. Широкогорова на их научные и мировоззренческие взгляды как оказавшие самое существенное влияние, в том числе на всю научную деятельность [1].

Помнят о научном вкладе С.М. Широкогорова и на Востоке. Своим учителем Сергея Михайловича считал известный китайский социолог Фей Сяо Тун, для которого С.М. Широкогоров - был научным руководителем магистерской диссертации в университете Цинхуа [2]. Позже Фей Сяо Тун стал директором института социологии Академии общественных наук Китая и считается одним из основателей китайской социологической школы [3]. В воспоминаниях о начале профессионального пути Фей Сяо Тун довольно часто упоминает о важной роли С.М. Широкогорова в его профессиональном становлении.

В российской науке многие десятилетия имя С.М. Широкогорова упоминалось очень редко и, как правило, со ссылками только на две ранние работы ученого, написанные в начале прошлого века на русском языке [4]. На самом деле все основные труды С.М. Широкогорова изданы на иностранных